

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МУХИТДИНОВ ДИЛШОД ДАВРОНОВИЧ

**КРЕМНЕЗЕМ МИҚДОРИ ЮҚОРИ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ
ГИБРИД ҲОСИЛАЛАРИ ҚЎШИЛГАН ПОРТЛАНДЦЕМЕНТЛАР
ОЛИШНИНГ «ЯШИЛ» ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 - Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори(DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the dissertation doctor of science (DSc)

Мухитдинов Дилшод Давронович

Кремнезем миқдори юқори кўшимчалар ва уларнинг гибрид ҳосилалари кўшилган портландцементлар олишнинг «яшил» технологияларини ишлаб чиқиш.....3

Мухитдинов Дилшод Давронович

Разработка «зелёных» технологий получения портландцементов с высоко кремнезёмистыми добавками и их гибридными производными.....29

Mukhitdinov Dilshod Davronovich

Development of «green» technologies for the production of Portland cements with a high content of silica and their hybrid derivatives.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МУХИТДИНОВ ДИЛШОД ДАВРОНОВИЧ

**КРЕМНЕЗЕМ МИҚДОРИ ЮҚОРИ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ
ГИБРИД ҲОСИЛАЛАРИ ҚЎШИЛГАН ПОРТЛАНДЦЕМЕНТЛАР
ОЛИШНИНГ «ЯШИЛ» ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 - Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг В 2024.4.DSc/T842 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.iopx.uz ва «Ziyouet» ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Наматов Шафрат Саттарович
техника фанлари доктори, профессор, академик

Искандарова Мастура
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кучаров Баҳром Хайриевич
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Искендеров Аҳмед Максубаевич
техника фанлари доктори, доцент

Ҳасанов Баҳриддин Баратович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона Давлат техника университети

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02 /05.05.2023.K/T.35.02 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг «22» май 2025 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: iopx@academy.uz).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (70 - рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2025 йил «8» май кун тархатилди.
(2025 йил «8» майдаги № 70 рақамли реестр баённомаси)




Н.Х.Усанбаев
Илмий даражадар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор


Ж.С.Шукуров
Илмий даражадар берувчи бир марталик
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор


В.И.Гуро
Илмий даражадар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда энергия самарадорлигини ошириш ва “углерод изи”ни камайтириш орқали иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган тенденциялар фаол ривожланмоқда. Цемент ишлаб чиқариш саноатида ҳам йиллик 2,6 млрд. тонна карбонат ангидриди (CO₂) чиқарилиши каби экологик муаммоларни бартараф этиш мақсадида клинкер микдорини қисқартириш ва паст углеродли қўшимчалар билан алмаштиришга асосланган “яшил” технологияларни қўллаш жорий этилмоқда. Бунинг учун маҳаллий техноген ва табиий чиқиндилар — металлургия, кимё, энергетика ва тоғ-кончилик саноати маҳсулотларидан унумли фойдаланиш муҳим илмий ва амалий ечим сифатида қаралмоқда. Шу боис, кремнезем микдори юқори бўлган фаол моддалар асосида кам клинкерли цемент композитлари ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон миқёсида қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришни янги йўналишларига, уларни таннархини арзонлаштириш, материал ва энергия ресурслари кам сарфланадиган илғор технологияларни ўзлаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, юқори сифатли цемент ишлаб чиқаришда портландцемент клинкерини минерал қўшимчаларнинг ҳосилалари билан табиий ва техноген чиқиндилар билан модификациялаб қўшимчали цемент олишда «яшил» технологияни ишлаб чиқиш, цемент саноатида энергия ва ресурсларни тежаш бўйича иқтисодий мақсадга мувофиқ йўналишларни танлаш, гидравлик фаоллиги бўйича анъанавий аналог – қўшимчасиз цементникидан кам бўлмаган цементлар олиш, цемент таркибидаги юқори углеродли клинкерни маълум қисмини композицион қўшимчалар билан алмаштириб ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда фаол минерал қўшимчалар билан портландцементни легирлаш усулини қўллаб камуглеродли цемент композитларини олишда юқори кремнеземли ва термик фаол алюмосиликатли табиий пуццоланлар ва иккиламчи хом ашё ресурсларини цемент қўшимчаси сифатида ўрганиш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти тармоқ олдига аниқ – 2025 йилда цемент ишлаб чиқариш ҳажмини 20,260 млн. тоннага етказиш вазифасини қўйган ва уни амалга ошириш «Ўзбекистон-2030 стратегияси»нинг «...барча йўналишларда инновация фаолиятини кенг жорий қилиш, илмий тадқиқот ва инновацион ташаббусларни қўллаш...»¹ борасида муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, камуглеродли технологияга ўтиш ва ҳар бир тармоқда маҳсулот ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини оширишни ва энергия сарфини камайтиришни таъминловчи инновация лойиҳаларини амалда қўллаш, цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарга тармоқни экологик ҳавфини камайтириш, уларнинг самарали манбаларини излаш ва цементга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11-сентябрдаги ПФ № -158 сон “Ўзбекистон -2030 стратегияси” тўғрисидаги Фармони

кўшимча сифатида қўллашга яроқлилигини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг бешта устувор йўналиш бўйича ривожланиш Стратегияси», 2019 йил 30 октябрдаги ПФ 5368-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача атроф-муҳит муҳофазаси ҳақидаги Концепцияси», 2022 йил 28 январдаги ПФ 60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йиллардаги ривожланиш Стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ҳамда 2018 йил 4 майдаги ПҚ-3696-сонли «Ички бозорни цемент билан барқарор таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар», 2018 йил 7 майдаги ПҚ 3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида инновацияларни жорий этиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар» ва 2019-йил 23-майдаги ПҚ 4335-сонли «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги Қарорлари шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Кремнезем миқдори юқори бўлган модификаторларни қўллаб цемент композитларини олиш ва уларни технологиясини жорий қилиш бўйича дунёдаги кўплаб илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларида, жумладан: Д.И.Менделеев номидаги РКТУ (Россия), Жанубий-Урал давлат университети (Россия), М.О. Ауэзов номидаги ЖКДУ (Қазақстан), National Institute of Standards and Technology (АҚШ), Verein Deutscher Zementwerke e.V. (Германия), BWM Tec Gmb H&Co. KG (Германия), Heidelberg Cement Group (Германия), Gambarotta Gschwendt (Италия) Whitehopleman (Великобритания), Bigrimm Technology Group (Хитой), Cement Manufacturers Association of India, Ultra Tech Ltd, Dalma Bharat Ltd ва Sanghi Industries Ltd (Ҳиндистон), CEMBUREAU–The European Cement Association (Белгия), CNBM Engineering Co Ltd (КДР), Aslan Çimento AŞ (Туркия) ҳамда Умумий ва ноорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда нанодисперс кремнезем ва унинг турли хил модификацияли аналоглари ҳамда таркибида аморф кремнезем тутган табиий ва техноген қўшимчалар билан модификациялаш йўли билан оддий портландцемент асосида композитлар олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб,

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.nist.gov>, www.ukgu.kz/ru, <http://www.cmaindia.org/>, www.heidelbergcement.com/en, <https://cembureau.eu>, <https://www.muctr.ru>, www.ultratech.com/, <https://www.susu.ru/ru>, <https://www.vdzone.de/>, www.whitehopleman.com/, <https://www.dalmiabharat.com/>, www.cnbmengineering.cm/, www.gambarotta.it/, www.bwfgroup.de/, www.sanghicement.com/, www.aslancimento.com.tr/ ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

қуйидаги илмий натижалар, жумладан: цементнинг совуққа чидамлилигини 30% гача оширадиган кремний қўшимчалари билан портландцемент ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқилган (Jiangnan University in Kunmen Province, Хитой); кремний диоксиди қўшилган ҳолда CO_2 эмиссиясини 15% га камайтирадиган портландцемент олиш усули ишлаб чиқилган (Massachusetts Institute of Technology, АҚШ); цементнинг иссиқликка чидамлилигини 35% га оширадиган кремний қўшилган портландцемент олиш технологияси ишлаб чиқилган (Indian Institute of Technology, Ҳиндистон); таркибида кремний диоксиди юқори бўлган экологик тоза цемент ишлаб чиқаришнинг янги усуллари ва таркиблари ишлаб чиқилган (University of Copenhagen, Дания); чиқинди ва иккиламчи материаллардан фойдаланган ҳолда юқори кремнийли портландцемент олиш технологияси ишлаб чиқилган (Delft University of Technology, Нидерландия).

Дунёда таркибида фақат аморф кремнеземли иккиламчи минерал хом ашёларни қўллаб турли хил кам клинкерли «яшил» цемент композитларини олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: цементни гидратланиш жараёни кечишини зарур йўналишда бошқариш йўли билан цемент тоши ва бетонни эксплуатацион хоссаларини яхшилаш; эксплуатацион хоссалари юқори бўлган кам клинкерли умумқурилиш, пуццолан, сульфатбардош, композицион портландцементларнинг таркиблари ва энергия-ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш; цемент заводларида таннархи арзон бўлган цементларни ишлаб чиқариш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таркибида аморф кремнеземли қўшимчаларни қўллаб цемент композитларини олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар илмий-техник адабиётларда таниқли олимлар, жумладан Ю.М.Бутт, В.В.Тимашев, О.Н.Крашенинников, В.С.Горшков, Классен, А.М.Дмитриев, Д.Г.Судакас, С.И.Иващенко, Е.Ю.Ермилова, З.Б.Энтин, Р.З.Рахимов, Дж.Вейл, Х.Дж.Фойерборн, И.Я.Харченко, М.Неикал, А.А.Кирсанов, Л.Я.Крамар, В.К.Козлова, А.М.Маноха, М.Я.Бикбау, Ihsan Erçin, H.El-Didamony, H.M.Darweesh, R.A.Mahmoud, Yilmaz Bulent, Ediz Nezahat, Degirmenci Nurhayat, Yilmaz Arin, А.А.Лихошерстов, Е.В.Мануйлов, Е.Ю.Малова, К.А.Капустин, И.С.Семерикова, Selichi Hoshino, Kasuo Yamada, Hiroshi Hirao, Ли Чой, В.Е.Сон, Л.Н.Найдек, О.В.Хохрякова, В.Г.Хозин, В.А.Шевченко, Э.Р.Бариев ва бошқа етакчи олимлар томонидан кенг ёритилган.

Республикамизда кам клинкерли цементлар олиш ва қўшимчалар билан модификацияланган цементларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари билан етакчи олимлар, жумладан С.С.Канцепольский, М.Г.Гулямов, Т.А.Отақузиёв, М.И.Искандарова, З.П.Пулатов, Х.Л.Усманов, Н.Х.Талипов, Ф.Б.Атабаев, Г.Б.Бегжанова, З.А.Мухамедбаева ва бошқалар шуғулланишган. Бажарилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида табиий минерал хомашё ресурслари ва

техноген чиқиндилар асосида кам клинкерли ва қўшимчалар билан модификацияланган композицион портландцементлар олиш технологиялари бўйича мақбул ечимлар ишлаб чиқилган.

Шу билан бир қаторда, тармоқда қимматбаҳо клинкерни кўп миқдорда алмаштира оладиган, суюқ фазага ювилиб чиқадиган $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ни кўп миқдорда ютиб уни камайтириш қобилятига эга фаол минерал қўшимчалар, цемент тоши сувда эримайдиган гидратли бирикмаларни ҳосил қилувчи, цемент ишлаб чиқариш ҳажми ошишига ёрдам берадиган, таннархини арзонлаштиришни ва ҳавога CO_2 гази чиқишини камайтиришни таъминлайдиган кремнезем таркибли, табиий ва техноген арзон хом ашё ресурслари тўғрисида илмий асосланган маълумотлар мавжуд эмас. Ваҳоланки, тадқиқот иши микрокремнезем (МК) ва таркибида аморф кремнезем юқори бўлган маҳаллий жинсларни технологик хоссаларини комплекс тадқиқ этишга ва уни фаол минерал қўшимчалар ва тўлдирувчи-қўшимчаларга қўйган талабларига мувофиқлигини аниқлашга, ҳамда кам клинкерли цемент композитларини энергия- ва ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170914202 «Микрокремнезем ва маҳаллий кремнезем миқдори юқори портландцементларнинг янги турларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш (2018-2020 йй.) ва Ўзбекистон-Хитой қўшма лойиҳаси А-ФА-2021-31 «Энергетика култошқол аралашмаси ва металлургия тошқолларидан фойдаланиб ҳамкорликда «яшил» цемент композитларини ишлаб чиқиш» (2019-2021 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: кремнезем миқдори юқори қўшимчалар ва уларнинг гибрид ҳосилалари қўшилган портландцементлар олишнинг «яшил» технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кремний қотишмалари ишлаб чиқариш чиқиндиси микрокремнеземни (МК) кимёвий ва физик-кимёвий хоссаларини, Стюдент мезони (t-мезони) бўйича гидравлик фаоллигини ва пуццоланлик қобилятини (оҳакни ютиши орқали) комплекс тадқиқ қилиш;

МКни цемент учун гидравлик ва пуццолан қўшимча сифатида қўллаш имкониятини илмий асослаш;

пуццолан цементлар ишлаб чиқариши учун МКнинг муқобил манбалари сифатида таркиби аморф кремнеземли маҳаллий табиий хом ашёлар (опока ва трепел)ларни комплекс тадқиқ этиш;

МК, опока ва трепелни композицион портландцемент (КПЦ) олиш учун моно-қўшимчалар ва гибрид қўшимчанинг (Гқ) ингредиентлари сифатида қўллаш имкониятини аниқлаш учун ПЦнинг физик-кимёвий хоссаларига таъсирини комплекс тадқиқ этиш;

МК, опока ва трепелни оддий портландцементни (ПЦ) физик-механик хоссаларига таъсирини ўрганиш ва қўшимчали ПЦларни таркибини оптималлаштириш;

МК билан модификацияланган ПЦни қотиши жараёнида пайдо бўлган янги гидратли ҳосилаларни физик-кимёвий таҳлил этиш ва «яшил» композитни струкураси шаклланиши генезисини тадқиқ этиш;

МКни КПЦ ишлаб чиқариш жараёнига етказиб бериш бўғинини блок-схемасини ишлаб чиқиш ва «яшил» ПЦларни тажриба - синовларини ўтказиш;

«МК + фаол кул тошқол аралашмаси (ФКТА)»дан иборат фаол «яшил» гибрид қўшимчаларни (Гқ) ПЦнинг физик-механик хоссаларига таъсирини тадқиқ этиш ва янги турдаги КПЦларни таркибини оптималлаштириш;

«яшил» КПЦнинг гидратланиш ва қотиш тезлигини, гидратли маҳсулотлар ҳосил бўлиш кинетикасини таҳлил этиш;

«яшил» КПЦ асосидаги цемент композитини микротузилмаси ҳосил бўлиш генезисини тадқиқ этиш «туйилган клинкер - гибрид қўшимча - гипс – сув» боғловчи тизимни гидратланиш пайтидаги «таркиб-структура-хосса» ўзаро боғлиқлиги қонуниятларини ўрнатиш;

янги турдаги «яшил» композитларни олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш, уларни йириклаштирилган тўпини цемент корхоналарида синовдан ўтказиш;

аморф кремнеземли моно- ва гибрид қўшимчалар билан модификацияланган ПЦлар асосидаги бетонларнинг хоссаларини аниқлаш;

«яшил» гибрид қўшимчаларни қўллаб янги турдаги КПЦларни ишлаб чиқаришни технологик, иқтисодий ва экологик самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида аморф кремнеземли маҳаллий табиий ва техноген пуццоланлар: опокасимон жинслар (ОЖ), трепел (Тр), микрокремнезем (МК), ва ИЭС фаол култошқол аралашмаси (ФКТА) билан МКдан иборат гибрид қўшимчали кам клинкерли цемент композит намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети табиий пуццоланлар, МК ва «яшил» гибрид қўшимчалардан иборат янги турдаги кам клинкерли композитларни олиш ва уларни ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, ҳамда янги турдаги «яшил» цемент композитларини гидратланиши, қотиши, янги ҳосилаларнинг юзага келиб генетик ривожланиши ва микротузилмаси шаклланишини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида замонавий таҳлилнинг физик-кимёвий усуллари (рентгенфазовий, ДТА, ИК-спектроскопия, оптик бинокуляр микроскоп, электрон микроскопик) ва портландцемент олиш технологиясининг анъанавий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор цемент қўшимчаси сифатида аморф кремнеземдан иборат микрокремнезем (МК)ни, таркиби аморф кремнеземли маҳаллий пуццоланлар опока ва трепелни кимёвий-минералогик таркиблари, физик-кимёвий хоссалари, гидравлик ва пуццолан фаоллиги аниқланган;

таркибида аморф кремнеземли пуццоланлар ва гибрид қўшимчаларни қўллаб кам клинкерли паст углеродли «яшил» цемент композитлари олишни энергия,- ресурстежамкор технологиясининг физик-кимёвий асослари ишлаб чиқилган;

илк бор аморф кремнеземли маҳаллий пуццоланлар, МК ва уни ФКТА билан гибрид ҳосилаларини қўллаб умумқурилиш (ПЦ) ва композицион портландцементлар (КПЦ) олиш илмий асосланган;

илк бор аморф кремнеземли маҳаллий пуццоланлар ва «МК+ФКТА»дан иборат гибрид қўшимчаларнинг оддий ПЦни хоссаларига ижобий таъсири аниқланган ва кам клинкерли умумқурилиш ва композицион цементларнинг самарадор таркиблари ишлаб чиқилган;

«туйилган клинкер - пуццолан қўшимча – гипс - сув» ва «туйилган клинкер – гибрид қўшимча – гипс – сув» боғловчи тизимларнинг гидратланиш даражаси аниқланган;

опокали ва (Гк)ли цементлар гидратланганда янги бирикмаларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва микротузилмаси шаклланиши билан «яшил» композитларни мустаҳкамлиги орасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган;

цемент композитининг мустаҳкамлиги матрица даражасига етиши учун оддий ПЦ таркибидаги клинкерни аморф кремнеземли пуццоланлар ва МК билан 15% гача, гибрид қўшимчалар билан 35% гача алмаштириш мумкинлиги илмий исботланган;

МКни ФКТА билан модификациялаб олинган гидравлик фаоллиги юқори «яшил» гибрид қўшимчалар, оддий ПЦни қотишини тезлаштириши ҳисобига, кам клинкерли цемент композитларини мустаҳкамлиги юқори бўлиши илмий асосланган;

моно- ва гибрид қўшимчаларни қўллаб паст углеродли кам клинкерли «яшил» цемент композитлари олишнинг энергия ва ресурстежамкор технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ПЦдаги клинкер улушини 15% гача МК ва аморф кремнеземли табиий пуццоланлар билан алмаштириб, гидравлик фаоллиги «400» маркани таъминлайдиган ЦЕМ II 32,5 синфдаги цемент композитлари олишнинг энергия- ва ресурстежамкор таркиблари ва технологиялари ишлаб чиқилган;

400 - 500 маркали цемент композитлари олишни таъминлайдиган ва юқори углеродли клинкерни 15-35 % гача тежайдиган аморф кремнеземли моно- ва гибрид қўшимчаларнинг миқдорлари оптималлаштирилган;

цемент композитлари олишда клинкерни сарфини камайтириб, аморф кремнеземли пуццоланларни ва майдаланиш қобиляти юқори техноген чиқиндилардан ташкил топган Гкларни қўллаш ҳисобига, цемент тегирмонларининг унумдорлиги 10-25 % га ошиши, туйишга энергия ресурслари сарфи камайиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиши ва таннархи арзонлашиши имконияти исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий физик-кимёвий таҳлил ва физик-механик хоссаларини синаш усулларидан фойдаланиб, янги турдаги кўшимчалар ва улар асосида олинган «яшил» цемент композитларни амалдаги Миллий ва Давлатлараро тегишли стандартлар талабларига мувофиқ синов натижалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўп компонентли боғловчи тизимларнинг қотиш жараёнида кимёвий ўзгаришлар ва микро тузилмалар шаклланиш генезиси ҳақидаги кўникмаларни илк бор олинган янги илмий ва амалий маълумотлар билан бойитиб, паст углеродли ва кам клинкерли «яшил» композитларнинг янги авлодларини яратиш йўналишидаги фан ва технологиялар ривожига салмоқли хисса қўшиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти цемент таркибидаги юқори углеродли хом ашёлардан олинадиган қимматбаҳо клинкерни аморф кремнеземли моно- ва гибрид кўшимчалар билан алмаштириш, ишлаб чиқаришда энергия ва ресурсларни тежашни таъминлаш, таннархни арзонлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш янги турдаги кам клинкерли цемент композитлари ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кремнезем миқдори юқори кўшимчалар ва уларнинг гибрид ҳосилалари қўшилган портландцементлар олишнинг «яшил» технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

клинкер улушини 15% микрокремнезем билан алмаштириб портландцемент композити энергиятежамкор таркиби «Бекободцемент» АЖда амалиётга жорий этилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2024 йил 24 октябрдаги 04/15-3147-сонли маълумотномаси). Натижада, ЦЕМ II/A-МК 32,5 Н синфдаги минерал кўшимчали портландцемент олиш имконини берган;

клинкер улуши 25% гача «фаол кул тошқол аралашмаси ва микрокремнезем» таркибли гибрид кўшимчалар билан алмаштирилган «яшил» цемент композити «Бекободцемент» АЖ ва «Оҳангаронцемент» АЖда амалиётга жорий этилган. («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2024 йил 24 октябрдаги 04/15-3147-сонли маълумотномаси). Натижада, мустаҳкамлик кўрсаткичи бўйича 42,5 синфга мансуб ЦЕМ II/B-K(M-II) кам клинкерли КПЦни ишлаб чиқариш имконини берган;

35-45% «фаол кул тошқол аралашмаси ва микрокремнезем» таркибли гибрид кўшимчали «яшил» цемент композити «Бекободцемент» АЖ ва «Оҳангаронцемент» АЖда амалиётга жорий қилинган. («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2024 йил 24 октябрдаги 04/15-3147-сонли маълумотномаси). Натижада, мустаҳкамлик кўрсаткичи бўйича ЦЕМ IV/B (M-II) 32,5 синфдаги камклинкерли КПЦни ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий ишлар чоп этилган. Жумладан, 13 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган 7 та, хорижий журналларда 6 та, улардан Scopus маълумотлар базасига кирувчи 1 та илмий мақола нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 1 та фойдали моделга патент (02387 рақамли FAP) олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 185 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотни мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметининг батафсил таърифи келтирилган, уларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги қайд этилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларни цемент ишлаб чиқаришда жорий этилиш ҳолати, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Аморф кремнеземли қўшимчаларни қўллаб цемент ишлаб чиқаришнинг «яшил» технологияларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболи» биринчи бобда, илмий-техник ва патент манбалари маълумотларини таҳлил этиш асосида пуццолан қобиляти юқорилиги сабаб таркибида аморф кремнезем тутган минерал қўшимчалардан фойдаланиш афзаллиги қайд этилган. Ўзбекистонда моно- ва гибрид қўшимчали ПЦ ва КПЦларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш ҳолати таҳлил этилган. Бунда, аморф кремнезем тутган қўшимчаларни цементни қовушқоқлигини ошириши ва қотишини секинлаштириши боис, уларни суперпластификаторлар ёки гидравлик фаоллиги юқори қўшимчалар билан модификациялаш зарурияти қайд этилиб, бу диссертациянинг мақсадини – МКни ПЦни хоссаларига таъсирини тадқиқ этиб, олинган натижалар асосида уни ФКТА билан модификациялаб, юқори сифатли пастуглеродли КПЦ олиш, ҳамда МКни ўрнига альтернатив манба сифатида - маҳаллий пуццолан қўшимчаларни ҳам таъсирини тадқиқ этишни аниқлаб берган.

«Объектларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссалари, тадқиқот усули» мавзусидаги иккинчи бобда «Ўзметкомбинат» АЖ микрокремнеземи (МК), «Зиёвутдин» кони «Чукурсой» участкаси опокасимон жинси (ОЖ), Нурота кони трепели (Тр) ва Ангрен ИЭС фаол кул тошқол аралашмаси (ФКТА) хоссаларини комплекс тадқиқоти натижалари келтирилган, моно- ва гибрид қўшимчалар билан

модификацияланган «яшил» цемент композитларининг физик-механик хоссаларини аниқлашни стандарт усуллари ёритилган. Тажриба-тадқиқот ишларини бажаришда фойдаланилган жиҳозлар, асбоблар ва ўлчов воситаларининг рўйхати ва тасвирлари келтирилган. Аниқланган Стьюдент t-мезонларнинг қийматиға кўра МК (t=13,47), ОЖ (t=4,6), Тр (t=19,7)лар гидравлик фаоллиги бўйича O'z DSt 901-98 талабларига мувофиқ келиши тўғрисида хулоса чиқарилган. Аммо, Стьюдент мезони қийматлари унчалик юқори эмаслигини ҳисобга олиб, улар гидравлик фаоллиги паст ва ўртача қўшимчалар туркумиға мувофиқ деб ҳисобланган, шу туфайли, клинкерни кўп миқдорда тежаш ва пастуглеродли «яшил» цемент композитлари олиш мақсадида, уларни ингредиент сифатида гидравлик фаоллиги юқори қўшимча – Ангрен ИЭС ФКТАси (t=52,92) билан модификациялаш мақсадға мувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқарилган.

«Ўзметкомбинат» АЖда кремний қотишмалари ишлаб чиқариш чикиндиси–ультрамаийн микрокремнезем қўшимчали «яшил» портландцемент олиш технологияси» мавзусидаги учинчи бобда «Ўзметкомбинат» АЖ МКни (№1) ПЦнинг хоссаларига таъсири тадқиқ этилган ва таққослаш учун «Uz-Shindong Silicon» ҚК МЧЖни МКни (№2) қўлланилган. Матрица сифатида эса «Бекободцемент» АЖ клинкеридан фойдаланилган, цементларни тишлашиш муддатини созловчи бўлиб Бухоро кони гипс тоши ишлатилган (1-жадвал).

1-Жадвал

Дастлабки материалларнинг кимёвий таркиби

Материал номи	Оксидларнинг масса улуши, %								
	к.қ.й.	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	SO ₃	R ₂ O	бошқа.
Клинкер	0,52	22,49	4,55	4,34	65,64	1,46	0,60	0,04	-
МК №1	2,61	92,70	0,76	1,08	0,28	0,22	0,37	1,58	0,42
МК №2	-	92,71	1,26	1,18	1,49	0,68	-	1,54	0,14
Гипс	19,10	1,52	0,13	0,14	33,04	0,20	43,46	-	2,55

Аралашмаларда гипс тошининг (Гт) миқдори доимий 5%, ПЦ клинкерники эса, уни туйилгандан кейин қўшиладиган (5-20) % МКни ҳисобга олган ҳолда, (75-90) % оралиқни ташкил этди. «Клинкер-гипс» аралашмаси № 008 элакда (10-12) % қолдиқ қолгунча майинликда туйилиб олинган цемент, МК билан лаборатория тегирмонида 1-мин давомида аралаштирилди. Олинган цементларнинг физико-механик хоссалари ГОСТ 310.4-81 усулиға мувофиқ аниқланди. Бунда «Uz-Shindong Silicon» ҚК МЧЖни МКмидан 20% қўшиш ПЦни мустаҳкамлигини эгилишға ҳам, сиқилишға ҳам ошириб, унинг физик-механик хоссаларига ижобий таъсир кўрсатди (жадвал 2). Улар сезиларли даражада (47,3-45,5 МПа) эталоннинг мустаҳкамлигидан (41,3 МПа) анчагина юқори бўлди.

«Ўзметкомбинат» АЖ МКмидан 5% киритилиши, ПЦни эгилишгаям, сиқилишгаям бўлган мустаҳкамлигини эталонникига нисбатан бироз юқори бўлишиға олиб келди. 10% МК ҳам мустаҳкамликни ошириб, 28-суткада 45,8 МРани ташкил этиб, эталонникидан анча юқори бўлди.


Портландцементни мустаҳкамлик кўрсаткичларига МКни таъсири

Компонентлар номи ва нисбати (мас.%):			В/Ц	Намуналарнинг эгилиш/сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси (МПа)		
ПЦ клинкер	Гипс	МК		3-сут.	7-сут.	28-сут.
«Uz-Shindong Silicon»* ҚК МЧЖ МК						
95	5	-	0,39	4,0/20,5	4,6/28,8	6,3/41,2
90	5	5	0,38	5,1/22,7	6,1/32,1	7,9/48,5
88	5	7	0,40	5,5/25,4	6,2/35,5	9,1/47,5
85	5	10	0,41	5,4/18,7	5,8/32,5	8,7/55,3
80	5	15	0,41	4,9/17,4	5,5/27,5	6,6/47,3
75	5	20	0,41	4,2/16,7	4,3/22,5	2,8/45,5
«Ўзметкомбинат» АЖ МК						
95	5	-	0,37	4,9/17,2	5,2 /29,6	7,0/41,3
90	5	5	0,30	4,9/19,1	5,2 /29,9	7,3/41,4
85	5	10	0,32	5,2/19,1	5,5/30,6	7,4/45,8
80	5	15	0,34	3,9/12,7	4,7/26,7	6,2/36,7
75	5	20	0,36	3,4/12,7	4,4/21,8	6,3/32,8


МКни миқдорини 15-20%га оширилиши қотишнинг ҳамма муддатларида цементни мустаҳкамлигини пасайишига олиб келди ва бу кўрсаткичлар 28-суткада эгилиш/сиқилишга тегишлича 6,2/39,7 и 6,3/35,8 МРани ташкил этди. Бу натижаларга таяниб, маркаси ПЦ400-Д20 цемент олиш учун «Ўзметкомбинат» АЖни МКсини миқдорини 15%гача чегаралаш лозим деган муҳим хулоса чиқарилди. ПЦнинг ушбу таркибини гидратланиш тезлигини аниқлаш шуни кўрсатдики, МК сувни боғланишини анчагина тезлатади ва унинг цемент тошидаги миқдори қотишнинг барча муддатларида эталонниқига нисбатан на 3-4%га юқори бўлди.

Дифрактограммалардаги $d/n=(0,491; 0,192; 0,176; 0,162; 0,148)$ nm. лардаги $\text{Ca}(\text{OH})_2$ чизиқларини суръати 1-суткалик қотишдан кейин эталонниқига нисбата анчагина суст бўлиб, бу уни МК ютганлиги сабабли гидросиликатлар ҳосил қилганлиги билан боғлиқ. 3-суткадан бошлаб $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ни аксланиши пасайган, $4\text{CaO}\cdot 5\text{SiO}_2\cdot 5\text{H}_2\text{O}$ (тоберморит)ники эса – ошган бўлиб, бу қотиш жаарёнида уни миқдори кўпайганлигидан далолат беради ва цемент тошинини мустаҳкамлиги шунинг ҳисобига 28-суткада ПЦ-Д0ни даражасидан юқори бўлганлигини изоҳлайди (1-расм).

1-расмга кўра, қотиш пайтида асосий цемент ЦЕМ II аста-секин сиқилади ва 28 кун ичида у етарлича зич тузилишга эга бўлиб, унга асосланган цемент тошни 400-маркага мос келадиган гидравлик фаоллик билан таъминлайди.



а



б

1-Расм. ПЦ-Д0 (а) ва ПЦ-Д15 МК (б) ларни 28-сутка сувда қотгандаги дифрактограмма-лари

1-сутка сувда қотган цемент тошини синиқ юзасининг рельефи ивиқсимон масса кўринишида бўлиб, 3-суткага келиб ундан гидросиликат ва гидросульфоалюминатларни майда кристаллари ўсиб чиқа бошлайди. Уларнинг кристалланиш даражаси 28-суткага келиб анча ошади, клинкер минералларининг гидролизланиши тезлашади, бу ҳақда тоберморитни призмасимон калта кристалларини миқдори кўпайиши, ҳар тарафга қараб бетартиб ўсаётган кристалл агрегатларнинг ғовакларни тўлдириши, бир-бири билан чатишиб макроғовакларни кичрайтириши ва зичланиб цемент композитини зич микроструктурасини ҳосил қилиши далолат беради. Бундай зичланган микроструктура шаклланиши туфайли уни мустаҳкамлиги 28-суткада ПЦ-Д0ни даражасига етишади.

МК ўта майин материал бўлганлиги сабабли уни клинкер ва гипс тоши билан биргаликда кўшимча равишда қуқунлашга эҳтиёж йўқ. Шу муносабат билан ПЦ-Д20 цементни ишлаб чиқаришнинг анъанавий технологик

тизимига айрим қўшимчалар киритилди, яъни туйиш тегирмонидан ПЦ-Д0 чиқиб қувур орқали силосларга жўнатилади, ичи бўш дозаловчи хампа (бункер) ўрнатилади (2-расм). ПЦ-Д0 цемент қувур орқали сиқилган ҳаво ёрдамида ҳайдалиши жараёнида МК цемент оқими билан аралашади ва силосларга ПЦ-Д20 келиб тушади.



2-Расм. МК қўшилмали ПЦ-Д20 цементни ишлаб чиқаришни технологик схемаси

Тўртинчи «Фаол «МК+ФКТА» қўшимчалар таркибини шакллантириш ва уларни қўлаб пастуглеродли КПЦлар олишни энергия ва ресурстежамкор «яшил» технологияларини ишлаб чиқиш» бобида янги турдаги «МК+ФКТА» «яшил» гибрид қўшимчаларни ПЦни хоссаларига таъсирини тадқиқ этиш натижалари келтирилган. «МК+ФКТА» ГҚдан (25-35)% киритилиши, туйилиш вақтининг айна бир хил даврида (45 min.) аралашмани туйилишини тезлаштириши ва № 008 тўрли элакда қолган қолдиқ 13%ни ташкил этиб, бу эталонниқидан 1%га камлиги аниқланди (3-жадвал).

3-Жадвал

Янги турдаги кўшимчали шихталарнинг компонент таркиби ва «яшил» КПЦларни туйилиш кўрсаткичлари

№	Цементларни шартли белгиланиши	ПЦ клинкер	ФКТА	МК	Гипс	№ 008 элакдаги қолдик, %
1	ПЦ – Қ 0	95			5	14,0
2	ПЦ – ГҚ25(ФКТА+МК)	70	15	10	5	13,0
3	ПЦ – ГҚ35(ФКТА +МК)	60	25	10	5	13,5
4	ПЦ – ГҚ45(ФКТА +МК)	50	35	10	5	12,0

ГҚ микдорининг ошиши цементни туйилишини сушлаштиради, лекин КПЦларни барча таркибларини майинлиги ГОСТ 31108-2020 чегаралаган кўрсаткичга мувофиқ келади (15%дан кўп эмас). Клинкер улушини 25% «ФКТА+МК» ГҚ билан алмаштириш бошланғич муддатларда қотишни секинлаштиради, 28-суткада жараён тезлашади ва цемент композитини мустаҳкамлиги эталонни кўрсаткичига етади (4-жадвал).


4-Жадвал

ПЦни мустаҳкамлик кўрсаткичини ГҚни тури ва микдорига кўра ўзгариши (2x2x2 см ўлчамли кичик куб-намуналар, таркиб 1:0)

№ т/р	Цементларни шартли белгиланиши	С/Ц	Намуналарнинг сиқилишга мустаҳкамлик чегараси (МПа)			
			1-сут.	3-сут.	7-сут.	28-сут.
1	ПЦ – Қ 0	0,24	13,3	35,8	52,9	54,0
2	ПЦ – ГҚ25 (ФКТА+МК)	0,24	8,30	27,9	40,0	52,5
3	ПЦ – ГҚ35 (ФКТА+МК)	0,24	11,6	32,0	42,0	45,0
4	ПЦ – ГҚ45 (ФКТА+МК)	0,24	12,0	24,5	45,0	50,0

«ФКТА+МК» ГҚни микдорини 35%га ошиши 3-суткада ПЦни мустаҳкамлик йиғишига таъсир кўрсатмади, 7-суткада эса жараён секинлашди ва 28-суткага келиб композитнинг мустаҳкамлиги матрицаникига нисбатан бироз пастроқ бўлди (3-расм). 45% гибрид кўшимча билан модификацияланган ПЦни ҳам қотиши 7-суткагача секинлашди, кейин тезлашиб 28-суткада мустаҳкамлик кўрсаткичи ПЦ-Д0 и ПЦ-ГҚ 25 (ФКТА+МК)ларникига яқин бўлди.

Композицион портландцементни ҳақиқий маркасини аниқлаш ва



3-Расм. «ФКТА+МК» ГҚдаги ингредиент-ларни нисбатларини КЩни мустаҳкам-лигига таъсири:

№1 ПЦ-Қ 0; №2 ПЦ-ГҚ 25; №3 ПЦ-ГҚ 35; №4 ПЦ-ГҚ 45.

стандарт талаблари яъни О‘з DSt 2830:2014 ёки ГОСТ 31108-2003 талабларига муофиқлигини аниқлаш учун, ГОСТ 310.4-81 усули бўйича таркиби 1:3 стандарт призма-намуналарда синов ўтказилди. Аниқландики, (25-45)% клинкерни қисмини «ФКТА+МК» гибрид кўшимча билан алмаштириш «яшил» композитларнинг фаоллигига салбий таъсир кўрсатмайди, уларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари деярли матрицанинг даражасида бўлди (5-жадвал).

5-Жадвал


«ФКТА+МК» ГҚли КЩларни ГОСТ 310.4-81 усулида ясалган намуналарини синов натижалари

№ Т/Р	Цементларни шартли белгиланиши	С/Ц	Намуналарнинг сиқилишга мустаҳкамлик чегараси (МПа)		
			3-сут.	7-сут.	28-сут.
1	ПЦ-Қ0 (қиёслаш учун)	0,4	3,5 / 16,2	5,14 / 28,7	6,02 / 42,3
2	ПЦ-ГД 25 (ФКТА+МК)	0,4	3,38 / 21,6	2,84 / 25,2	6,7 / 41,2
4	ПЦ-ГД 45 (ФКТА+МК)	0,4	3,53 / 23,5	3,49 / 21,7	4,75 / 34,3

Таркибидаги клинкерни улуши 45%гача камайганлигига қарамай «яшил» композитларнинг мустаҳкамлиги бундай кўрсаткичларга эришиши сабабини аниқлаш учун, уларни қотиш жараёнида кечадиган гидратланиш ва кимёвий ўзгарилишлар механизми комплекс тадқиқ этилди. Аниқланишича, 25% «ФКТА+МК» ГҚли цементларни гидратланиш жараёни ПЦ-Д0 никига қараганда тезроқ кечади: (1-28) сут. даврдаги кимёвий боғланган сувнинг миқдори, унга нисбатан 2,04 %дан 7,38 %гача кўп (4-расм). ГҚ таркибидаги ФКТАни миқдори 35%га оширилиши сувни гидратли бирикмаларга боғланишини кескин секинлаштирди, бунинг сабаби шундаки, ФКТА ва

МКнинг ўта майда заррачалари сувни шимиб бўлади, ҳосил бўлган ивигсимон масса клинкер минералларини юзасини қоплаб, сувни ичкарига сизиб киришига тўсқинлик қилади ва уларни гидролизланишини секинлаштиради (4-расм, эгри чизик №3).

25% ГҚ тутган КПЦнинг 1-сутка қотишдан кейинги фаза таркибида $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ни $d/n=0,491 \text{ nm}$ даги анчагина кучли дифракция аксланишлари кузатилди, $d/n=(0,972; 0,387)\text{nm}$ ва $d/n=0,560\text{nm}$ даги чизиклар эттрингитга тегишли. $d/n=(0,304; 0,191) \text{ nm}$ даги чизиклар $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ни ҳаводан карбонат ангидридини ютишига CaCO_3 ҳосил бўлганилиги натижасида пайдо бўлган, $d/n=0,387\text{nm}$ карбонат-ионларни гидроалюминатларнинг структурасига жойлашиб, эттрингитни $(3\text{CaO}\cdot\text{Al}_2\text{O}_3\cdot 3\text{CaCO}_3\cdot 31\text{H}_2\text{O})$ карбонатли аналоги ҳосил бўлганлигидан далолат беради ва у эттрингит каби композит структурасини синчини шакллантиришда иштирок этади. 3-суткада силикат минералларини чизикларининг суръати бироз кучайган бўлиб, бу уларнинг чизиклари устига гидросиликатлар ва $\text{Ca}(\text{OH})_2$ нинг ҳам чизиклари ўрнашганлиги натижасидир. 7-суткалик муддатда силикат минералларининг гидролизланиши тезлашиши ва $\text{Ca}(\text{OH})_2$ боғланиши ҳисобига, уларнинг чўққиларини ўлчами жуда кичрайган, гидратланиш маҳсулотларининг қайта кристалланиши натижасида эттрингит ва уни карбонатли аналогининг ҳам чўққиларини ўлчами кичрайганлиги, 28-суткада эса уларнинг ўсиши кузатилди.




4-Расм. (АЗШС+МК) ГҚни КПЦни гидратланишига таъсири:

№1 ПЦ-Қ 0; №2 ПЦ ГҚ25 (15%АЗШС+10%МК);

№3 ПЦ-ГҚ45 (35%АЗШС+10%МК);


«15% ФКТА+10%МК» ГҚли КПЦни 1-сутка қогандан кейин синдирилган юзасини рельефи майда заррачали текисликдан иборат бўлиб, доналарнинг юзаси тангача, юлдузча ва ниначалар шаклидаги нозик ҳосилалар билан қопланган ва ғовакларда эттрингитни ивигсимон массани

тешиб ўтаётган, толасимон кристаллари ўсиб тўр ҳосил қилаётганлиги ва ўраб олиб, шаклланаётган цемент композити структурасидаги бўшлиқларни ва ғовакларни тўлдираётганлиги кузатилди (5-расм).




5-Расм. «15%ФКТА+10%МК» ГҚли КПЦни 1-сутка қотгандаги синиқ юзасининг рельефи

Кейинги муддатларда этрингит, уни карбонатли аналогли ва кальций гидросиликатларини ивиқсимон массадан ўсиб чиқиши ва қотаётган КПЦни ғовак ва бўшлиқларини тўр кўринишида тўлдириши давом этиб, 3-суткада яна янги скелет ҳосилалар шаклланади (6-расм).



6-Расм. «15%ФКТА+10%МК» ГҚли КПЦни 3-сутка қотгандаги синиқ юзасининг рельефи

28-суткада композит синиқ юзасининг рельефи анча тартибланиб кўринишга эга. Кристалл ҳосилаларнинг параллел тарзда ҳам, перпендикуляр тарзда ҳам ўсиши кузатилди (7а-расм).



a

б

7-Расм. «15%ФКТА+10%МК» ГҚли(а) ва «15%ФКТА+10%МК» (б) ГҚли КПЦни 28-сутка қотгандаги синиқ юзасининг рельефи

Таркибига «35%ФКТА+10%МК» ГҚ киритилган ПЦни гидратланиш жараёни ҳам худди шу механизм бўйича кечади. Фақат фарқи шундаки, Ca^{2+} ионларини суюқ фазага чиқиши ва $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ни кристалланиши 7-суткагача жадал кечади, 28-суткада секинлашади. Кальций гидросульфоалюминатлари ва гидросиликатларини ҳосил бўлиши гидратланаётган заррачалар юзасининг бутун ҳажми бўйлаб бир текис кечади, бўшлиқлар ва ғовакларни тўлдириб, шаклланаётган цемент композитини мустаҳкамлайди (7б-расм).

Ушбу бобда яна «ФКТА+МК» ГҚни қўллаб «яшил» КПЦ олишни технологик схемаси келтирилган бўлиб, унга кўра цементларни олишнинг анъанавий схемасига бироз ўзгартириш киритилади: МК алоҳида омборда сақланади ва у тегирмоннинг цапфасига ўрнатилган тақсимловчи ҳампа орқали силосга узатувчи кувурга тушаётган ПЦ+ФКТАли цемент аралашмасига берилади. МК кувурда сиқилгани ҳаво ёрдамида цемент оқими билан аралашади ва ҳосил бўлган КПЦ цемент силосларига келиб тушади.

Бешинчи «Аморф кремнезем тутган табиий пуццоланларни микрокремнеземни ўрнини босувчи манбалар сифатида ПЦнинг хоссаларига таъсирини тадқиқ этиш» бобида аморф кремнеземли маҳаллий пуццоланларни («Чукурсой» участкаси опокасимон жинси (ОЖ) ва Нурота кони трепели (Тр))ларни цемент қўшимчаси сифатида яроқлилигини ўрганиш натижалари келтирилган. Аниқланишича, ОЖ гидравлик фаоллиги паст (t -мезон=4,6), Тр эса (t =19,7) – ўртача фаолликка эга қўшимчалар гуруҳига мансуб. ПЦга ОЖдан 20% қўшилиши унинг фаоллигини пасайтирмайди ва олинган қўшимчали цементларни маркази 400га мувофиқ келади (б-жадвал).

ОЖни ПЦнинг физико-механик хоссалрига таъсири

Цементларни шартли белгиланиши	С/Ц	Конусни ёйилиши mm	Эгилиш ва сиқилишга мустаҳкамлик чегараси, (МПа)				МХ бўйича цементни маркаси
			7-d		28-d		
			Риз	Рсж	Риз	Рсж	
ПЦ - Қ 0	0,39	113	5,27	26,1	6,45	42,8	400
ПЦ - Қ (ОЖ) 10	0,39	113	5,20	27,9	6,58	43,8	400
ПЦ-Қ (ОЖ) 15	0,39	113	4,89	27,0	7,03	42,3	400
ПЦ-Қ (ОЖ) 20	0,44	110	5,20	24,3	6,35	40,0	400
ПЦ-Қ (ОЖ) 25	0,50	110	5,82	21,6	4,15	26,0	Мувофиқ эмас
ПЦ-Қ (ОЖ) 30	0,52	110	2,81	18,1	3,97	24,9	Мувофиқ эмас
ПЦ-Қ (ОЖ) 40	0,56	107	2,25	11,0	3,15	16,7	Мувофиқ эмас

ОЖ миқдорини 25%дан 40%гача оширилиши ПЦни мустаҳкамлигини кескин пасайтирди. Шу туфайли ПЦ400-Д20 маркали цемент олиш учун унинг миқдори 20%гача чегараланди. Нурота кони трепелидан 20-25% кўшилиши ПЦни тишлашиш муддатини бироз узайтирди ва бу балки, жинс таркибида эҳтимол тупроқли компонентлар борлиги билан боғлиқ бўлишидир (7-жадвал). Лекин бу кўрсаткичлар ГОСТ 10178ни умумқурилиш ПЦларга қўйган талаби доирасида бўлди. Тупроқли аралашмасининг мавжудлиги цемент тошини 7-суткадаги мустаҳкамлик йиғишига ҳам таъсир кўрсатди. таркибида (20-25)% трепел тутган цементларнинг мустаҳкамлиги ортиб бориб, 28-суткада ПЦ400-Д0ниқидан (41,7 МПа) юқори (44,0 ва 42,6 МПа) бўлди (7-жадвал).

ОЖ ва Тр ПЦни физико-механик хоссаларига таъсири деярли бир хил эканлигининазарда тутиб, физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш учун 15% ОЖ қўшимчали цемент танлаб олинди. Таркибида аморф кремнезем борлиги туфайли ОЖ сувни ва суюқ фазадан оҳакни жадал ютиши сабабли, гидратли маҳсулотлар ҳосил бўлиши тезлашади.

Вақт ўтиши билан боғланган сувни миқдори ортиб бориб, 60-суткада 17,17%ни ташкил этди ва бу ПЦ-Д0га қараганда 3,13%га кўп, 90-суткада эса уни миқдори бироз камайди, бу гидратли фазалани барқарорлашуви билан боғлиқ бўлиши эҳтимоллигини ренгенфазавий таҳлил натижалари ҳам тасдиқлади.

Аморф кремнеземли алюмосиликат қўшимчаларнинг цемент таркибидаги клинкернинг бир қисмини алмаштиришдаги роли, уларнинг суюқ фазадан $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ни ютиб, сувда эримайдиган гидратли маҳсулотлар

ҳосил бўлиши ҳамда структура шаклланишига ва физик-механик хоссаларига таъсир механизми аниқланиб, олинган натижалар кўшимчали цемент таркибини ҳамда уни олиш жараёнининг кимёвий-технологик параметрларини оптималлаштиришган.


7-Жадвал

Трепелни портландцементни физико-механик хоссаларига таъсири (40x40x160 mm ўлчамли 1:3 таркибдаги призма-намуналар)


Цементни шарт-ли белгиланиши	Туйи-лиш майинлиги, (№008) элакдаги қолдиқ бўйича, %	Солиш-тирма юзаси, см ² /г	Тишлашиш муддатлари, d-min		Цементларни сиқилишга гидравлик фаоллиги, МПа, (сут):			МХ бўйича маркаси
			бошла-ниши	туга-ши	Буғ-лан-ган-дан кейин	7	28	
ПЦ-Қ 0	4,5	346,9	2-05	4-00	33,0	30,2	41,7	400
ПЦ-Қ 20Тр	5,3	336,4	2-40	4-30	29,1	29,8	44,0	400
ПЦ-Қ 25Тр	7,5	330,0	2-45	4-30	27,7	28,9	42,6	400

